

## ШАРТНОМА

Уйчи тумани  
TS43064801

21

" 15 " Ноябрь 2022 й.

Амалдаги Низом асосида иш кўрувчи, кейинчалик "Етказиб берувчи" деб юритилувчи «Продукт Гроуп Траде» МЧЖ номидан иш раҳбар Н.Алиев бир томондан ва амалдаги низом асосида иш кўрувчи, кейинчалик "Харидор" деб юритилувчи Уйчи туман халқ таълими бўлими мудирини М.Мўминов иккинчи томондан мазкур шартномани қуйидагилар тўғрисида туздилар:

### I. ШАРТНОМА МАВЗУСИ

1.1. "Етказиб берувчи" мазкур шартнома бўйича "Харидор"га ўзаро келишилган миқдорда ва муддатларда шартноманинг умумий қийматидан ошмаган суммадаги асосий воситалар (кейинги ўринларда "маҳсулот" деб юритилади)ни етказиб бериш.

	Товарлар номи	Ўлчов бирлиги	Миқдори	Нархи	Суммаси
1	Моноблок	Шт	1	8000000	8000000
2	Интерактив дисплей (комплект панел)	Шт	2	20000000	40000000
3	Компютер Ноутбук дастурчи учун	Шт	6	5000000	30000000
4	Видеопроектор мини	Шт	6	1000000	6000000
5	Принтер цветной	Шт	1	4500000	4500000
	Жами				88500000

### II. ШАРТНОМАНИНГ БАҲОСИ ВА ҲИСОБ-КИТОБ ТАРТИБИ

2.1. Мазкур шартноманинг баҳоси 88500000 (Саксон саккиз миллион беш юз минг) сўмни ташкил этади.

2.2. "Харидор" олинадиган маҳсулотлар учун 30 фоиз аванс тўловини олдиндан "Етказиб берувчи" ҳисоб рақамига ўтказиб беради.

2.3. "Етказиб берувчи" тегишли даврда томонларнинг ўзаро келишувига мувофиқ белгиланган миқдорда ва аванс тўловидан сўнг 10 кун муддат ичида маҳсулотларни "Харидор"га етказиб беради.

2.4. "Харидор" тақдим этилган ҳужжатларга асосан 90 кундан ортиқ бўлмаган муддатларда узил-кесил ҳисоб-китоб қилади.

2.5. Етказиб берилган маҳсулотлар учун пул ўтказиш йўли билан нақд пулсиз тартибда ҳисоб-китоб қилинади.

### III. ТОМОНЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

3.1. "Харидор"нинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари:

"Етказиб берувчи"дан шартномани бажариш учун зарур бўлган амалдаги давлат стандартлари ва бошқа норматив ҳужжатлар билан таъминлашни талаб қилини;

"Етказиб берувчи"дан мазкур шартномага мувофиқ бериладиган буюртманомога мувофиқ тегишли сифат, ассортиментдаги маҳсулотлари етказиб берилишини талаб қилиш;

### 3.2. "Етказиб берувчи" қуйидаги ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга:

Етказиб берилган маҳсулотлари учун олдиндан ҳақ тўланишини ва амалдаги қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ва ҳажмда узил-кесил ҳисоб қилинишини Харидордан талаб қилиш;

Маҳсулотларни мазкур шартномага асосан "Харидор" буюртманомасига мувофиқ муддатлар, сифат ва миқдорда етказиб бериш.

## IV. ШАРТНОМАНИНГ БАЖАРИЛИШИ

4.1. Шартнома мазкур шартнома ва қонун ҳужжатлари шартлари ва талабларига мувофиқ зарур тарзда бажарилиши керак. Агар томонлар ўз зиммаларига қабул қилинган барча мажбуриятлар бажарилишини таъминласа, шартнома бажарилган деб ҳисобланади.

4.2. Шартнома бажарилишини бир томонлама рад этишга ёки шартнома шартларини бир томонлама ўзгартиришга йўл қўйилмайди, қонун ҳужжатларда белгиланган ҳоллар бундан мустасно.

4.3. "Харидор" илгари берилган буюртманомани бекор қилишга ёхуд маҳсулотларининг тегишли туркумларини етказиб бериш санасини ўзгартиришга ҳақлидир, бу ҳақда "Етказиб берувчи"ни буюртманомада кўрсатилган сана бошланишидан камида 3 кун олдин хабардор қилади.

## V. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

5.1. Хом ашё маҳсулотларини етказиб бериш кечиктирилган ёки тўлиқ етказиб берилмаган тақдирда "Етказиб берувчи" "Харидор"га кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбурият бажарилмаган қисмининг 0,5 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси етказиб берилмаган хом ашё маҳсулотлари қийматининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаслиги керак.

5.2. Етказиб берилган хом ашё маҳсулотлари учун ўз вақтида ҳақ тўланмаганда "Харидор" "Етказиб берувчи"га муддати кечиктирилган ҳар бир кун учун кечиктирилган тўлов суммасининг 0,4 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бироқ бу кечиктирилган тўлов суммасининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаслиги керак.

5.3. Пеня тўланиши шартнома мажбуриятларини бузган томонни шартномани зарур тарзда бажаришдан ва хом ашё маҳсулотлари етказиб бериш муддати кечиктирилиши ёки тўлиқ етказиб берилмаслиги туфайли етказилган зарарлар қопланишидан озод этмайди.

## VI. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

6.1. Келишмовчиликлар ва низоли масалалар келиб чиққан тақдирда, томонлар, қоидага кўра, мустақил равишда уларни судгача ҳал этиш чораларини кўрадилар.

6.2. Томонлар келишмовчиликлар ва низоларни ҳал этиш учун бевосита туманлараро иқтисодий судга мурожаат қилишга ҳақлидир.

## VII. ФОРС-МАЖОР

7.1 Форс-мажор ҳолатлар, жумладан ер қимирлаши, сел келиши каби табиий офатлар, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати томонидан янги қонун ва қарорларни қабул қилиниши натижасида келиб чиқадиган ҳолатларда тарафлар мазкур шартнома ва қўшимча келишувлар шартларини бажариш масъулиятини ўз зиммаларига олмайдилар.

## VIII. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШИ

8.1. Мазкур шартнома «Харидор» ва «Етказиб берувчи» томонидан тасдиқлаб Ғазначилик булинмасидан руйхатдан утқандан сўнг кучга киради ва 2022 йил «31» декабрга қадар амал қилади.

IJRO.GOV.UZ тизими орқали ЭРИ билан тасдиқланган, Хужжат коди: TS43064801

8.2. Томонлар ўртасидаги муносабатлар улар томонидан мазкур шартноманинг барча шартлари бажарилган ва ҳисоб-китоб тўлиқ тугалланган тақдирда тўхтатилади.

### IX. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР

9.1. Мазкур шартнома томонларнинг келишувига кўра ёки бошқа томон шартнома шартларини жиддий равишда бузган тақдирда, томонлардан бирининг талаби бўйича суд тартибида бекор қилиниши мумкин.

9.2. Мазкур шартномага ҳар қандай ўзгартириш ва қўшимчалар улғур ёзма шаклда содир этилиши ва томонларнинг бунга зарур даражада вакил қилинган вакиллари томонидан имзоланиши шартли билан ҳақиқий ҳисобланади.

### X. ТОМОНЛАРНИНГ МАНЗИЛИ ВА БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ:

#### «ЕТКАЗИБ БЕРУВЧИ»

Продукт Групп Траде» МЧЖ  
Манзил: Наманган вилоят Поп туман Уйгур Тинчлик  
кўча 18-уй  
Банк: Поп микрокредит банк  
Х/Р: 2020 8000 9051 2381 5001  
МФО: 00239  
ИНН: 306722655

Рахбар: \_\_\_\_\_ Н. Алиев



#### «БЮДЖЕТ ТАШКИЛОТИ»

Уйчи тумани Халқ таълими бўлими  
Манзил: Уйчи туман Беруний кўчаси 60 уй  
Ш/ХВ 401722860142297092100075021  
ИНН: 200 099 575  
Ўз Рес Молия Вазазирлиги Ҳазначилиги  
Ҳазна х/р 23402000300100001010  
«Марказий Банк Тошкент ХККМ»  
МФО: 00014. ИНН 201122919

Рахбар \_\_\_\_\_ М. Мўминов



**YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING QONUN  
HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO'G'RISIDA HUQUQIY  
XULOSA**

JN1820373821

1. Loyihaning turi : Shartnoma
2. Loyihaning nomi: OLDI-SOTDI SHARTNOMASI
3. Loyiha ishlab chiquvchisi va kiritilgan sana haqidagi ma'lumot: Uychi tuman xalq ta'limi tomonidan 15.11.2022 yilda kiritilgan.

Loyiha amaldagi qonun hujjatlariga muvofiq ishlab chiqilgan va uni qabul qilish maqsadga muvofiq.

Uychi tumani yuridik  
markazi  
bosh yuristkonsulti:



**I.F.DAVRANOV**

15.11.2022

## МУХОКАМА АХБОРОТИ

« 15 » Ноябрь 2022 йил

Уйчи тумани

Наманган вилояти ҳудудидаги Уйчи туман ХТБ ташкилоти томонидан 2022 йил «01» ноябрдаги 22110012174841 сонли лотга асосан Ўзбекистон республикасининг 2021 йил 22 апрелдаги 684-сонли “Давлат харидлари тўғриси”даги қонуни 56 ва 58 – моддалари талабларидан келиб чиқиб энг яхши таклифларни танлаш тури бўйича Уйчи туман ХТБга қарашли 20-мактабга компьютер ва оргтехника воситаларини сотиб олиш учун харидлар амалга оширилиши режалаштирилган. Шунга асосан белгиланган муддатлар асосида Ўзбекистон республикасининг 2021 йил 22 апрелдаги 684-сонли “Давлат харидлари тўғриси”даги қонуни – 60 ва 61 моддалари талабларидан келиб чиқиб танлов савдолари ўтказилди. Мазкур танлов савдолари якуни бўйича "Продукт Групп Траде" МЧЖ (УК, ДУК, Х/К) томонидан берилган таклифлар комиссия аъзолари иштирокидан энг мақбули деб топилди. Ушбу танлов жараёнлари бўйича расмийлаштирилган баённомалар “Давлат харидлари тўғриси”даги қонуни 62 моддасига асосан давлат буюртмачиси томонидан у расмийлаштирилган кунда давлат харидларининг электрон тизимига муҳокама қилиш учун икки иш кунига жойлаштирилди. Шунга асосан икки иш куни ичида танлаш иштирокчилари томонидан танлаш ўтказиш натижалари бўйича эътирозлар келиб тушмади. Юқоридаги ҳолатлардан келиб чиқиб, давлат буюртмачиси ва харид комиссияси томонидан ғолиб деб топилган иштирокчи ўртасида шартнома тузилиши мумкин ҳисобланиши белгилаб олинди. Муҳокама учун белгиланган муддат тугаганидан кейин келиб тушган эътирозлар харид комиссияси томонидан кўриб чиқилмайди.

эътирозлар харид комиссияси томонидан кўриб чиқилмайди.

Давлат буюртмачи ташкилоти раҳбари

Давлат буюртмачи ташкилоти бош ҳисобчиси

Давлат харидлари ва шартномалар бўйича мутахассис:



М.Мўминов

О.Махкамов

О.Боймирзаев



Yuridik shaxs (tadbirkorlik subyektini) davlat ro'yxatidan o'tkazilganligi to'g'risida

## GUVOHNOMA

Ushbu bilan Tadbirkorlik subyektlari yagona davlat reyestriga

**"PRODUCT GROUP TRADE" Mas'uliyati cheklangan jamiyat**

(Yuridik shaxsning – tadbirkorlik subyektining tashkiliy-huquqiy shakli ko'rsatilgan holdagi to'liq nomi)

**"PRODUCT GROUP TRADE" MChJ**

(Yuridik shaxsning qisqartirilgan nomi)

Tashkil etish (qayta tashkil etish, boshqa ro'yxatdan o'tkazish ma'lumotlarini o'zgartirish)

20.09.2019

762721

ro'yxat raqamli yozuv kiritilganligi tasdiqlanadi.

(Sana, oy (so'z bilan), yil):

Soliq to'lovchining identifikatsiya raqami (STIR):

306722655

Tashkiliy-huquqiy  
shakli:

Mas'uliyati cheklangan jamiyat

Joylashgan joyi:

Namangan viloyati, Pop tumani, Uyg'ur, Tinchlik ko'chasi 18-uy,

Guvohnoma:

Namangan viloyati, Pop tumani, DAVLAT XIZMATLARI  
MARKAZI

tomonidan  
berilgan

(Ro'yxatdan o'tkazuvchi organning to'liq nomi):

